

УЗ2

Н 79

МЕЛИ НОРМАТОВ
ШОИР
БОЛАЛИГИ



Ч32

б-8кл.


Н79

МЕЛИ НОРМАТОВ

ШОИР
БОЛАЛИГИ



Киеса



Тошкент

Ўзбекистон ЛКСМ Мар
«ЁШ ГВАРДИЯ» №
шрифт

1983

МУАЛЛИФДАН

Үлмас сўз санъаткори Ҳамид Олимжоннинг баркамол ижоди, наслларга ҳамиша ибрат сермазмун ҳаёти мени кўпдан буён қизиқтириб, ҳайратга сояиб келади. Қисқа умри давомида чақмоқ-дек чақнаган ёрқин шеърият яратса өлган, ўзбек совет адабиёти-нинг асосчиларидан бири сифатида ғоят улкан ишларни амалга оширишга улгурган бу ажойиб инсоннинг ҳаёти ва жўшигин фаолияти чиндан ҳам ёш авлодга ибрат намунаси бўлиб хизмат қилишга арзигулик даражада улуғвор. Санъаткор шахсиятининг аж-ралмас қисми бўлган ҳақгўйлик, меҳнатсеварлик, одамийлик, ҳаётбахш шижаот каби фазилатлар шоир қалбидаги жуда эрта қўним топгани уни қуршаган, вояга етказган пок бир маънавий заминда ўсиб-улгайиб камол топгани шубҳасиз. Бу маънавий замин — шоир-нинг болалиги, унинг тиниқ орзу-армонларини аллалаб ўстирган, уларга қанот баҳш этган гул ёшлик фаслидир.

Мен хассос ва ардоқли шоиримизнинг беғубор болалик чоғла-ри ўтган йўллардан, пойқадами теккан дашту далалардан, сўқмоқ-лардан юриб, уни яқиндан таниган, кўрган-билган, ёшлик дамлари-нинг содиқ сирдоши бўлган жуда кўп кишилар билан учрашдим, сұхбатлар қурдим, ҳаёлан шоир сиймосини тиклашга интилдим.

Ана шу изланишларнинг бир самараси сифатида, ниҳоят, маз-кур қисса вужудга келди. Бу асрда шоирнинг юрагига илк бор илҳом солган гўзал масканлар, унга илк бор одамийлик сабогини берган кишилар ҳақида ҳужжатли йўсинда сўз юритишга баҳоли қудрат ҳаракат қилдим.

Қисса қўлёзмаси билан танишиб, уни нашрга тайёрлашда ўзла-рининг қимматли маслаҳатларини берганлари учун муҳтарама шоир-рамиз Зулфия ва қадрли Сарвар Олимжонович Азимовга самимий миннатдорчилик билдираман.

1916 йилнинг рамазон ойи. ~~Жазирма иссиқ~~ Бутун мавжудот ҳансираиди. Дов-дарахтларга чашг қуниб, барвақт қовжираган.

Бир неча кундирки, Жиззах аҳли нотинч. Халқ қузголоши тўплар ва пулемётлар билан қуролланган чор жазо отрядлари томонидан ёвузларча бостирилган бўлса-да, ҳамон аҳолини жазолаш давом этмоқда. Ёнидаги қиличи нақ ерга тегай-тегай деб турган солдатлар, пешонасини қизил қийиқ билан танғиган аллақандай кишилар маҳаллама-маҳалла изғиб, барчани уйидан, кулбасидан ҳайдаб чиқаряпти. Хонадонлар, кучаларда қий-чув, туплони. Оналарнинг фарёди, гудакларнинг иоласига чидаб бўлмайди. Одамлар дарғазаб, аммо ҳар кимнинг дарди ичидан.... Каттаю кичик, ёшу қари—ҳамма-ҳамма Эски шаҳар мадрасаси томон оқиб келяпти. Оёқ тираб туриб олганлар аёвсиз калтакланмоқда.

Одам бамисоли ердан қайнаш чиқаётгандек... Совунгарлик ва Ховослик маҳалласидан қувилганлар ҳам Жарариқ бўйига етиб келди. Уларга Жиззахлик маҳалла аҳли қушилди. Мулла Азим, Алижон, Туробжон ва Мулла Камолларнинг шундоққина анҳор соҳилига жойлашган боғ ҳовлилари одамларга тўлиб, бутун экин-тикинлари пайҳон бўлди. ~~Кунисдан~~ ~~Даҳшатли~~ чиққириқ овозлари эшитилди. Солдатлар бир гала исенчиларни савалаб қувиб келарди. Шу ~~Анан~~ ~~Иккӣ~~ боласи

билан бир җувон күчага чиқди. Құз үнгіда содир бұла-
ётган дақшатли манзарадан аёлнинг бутун вужуди тит-
ради. Құчадан одамларни босиб-яңчиб бир саман от-
тарсиллаб чопиб үтди. Қонға беланған бир үсмир жаса-
ди от узангисида осилиб борарди... Жувон жоңғолатда
гүдакларини құчоқлаб бағрига босди. Ҳар үн одамга
биттадан құйылған солдатлар қарсыллатыб осмонга үқ
узганча халойиқни мол сингари калтаклаб ҳайдарди...

Ана-мана дегунча мадраса атрофи одамга лиқ тул-
ди. Ҳалиги аёл ҳам икки боласи билан бориб оломонга
құшилди. У үғилчаси эсликкина бұлса-да, күтариб ол-
ған, қызасининг құлидан маҳкам тутиб турар әди. Жу-
воннинг чачвони қийшайиб, юз-күзи очилиб қолған:
ранги құв үчган, соchlари тұзғиган... Қүйнідаги тугун-
чинин ерга қыйиб, үғилчасини яна ҳам маҳкамроқ
құчоқлади, қизалғи иссиқда куйиб-пишиб, пешонаси-
дан тер қуиғиб турса-да, худди совуқда жунжиккан-
дек, онаизори пинжига суқиларди... Жувон атрофға
олазарак бўлиб термиларкан, катта-катта қоп-кора құз-
ларидан ёш тирқираб, юзларидан оқиб туша бошлади.
У унсиз йиғларди... Бу гүдакларда нима гуноҳ? Отаси-
дан жудо бўлганлари етмагандек, энди дарбадарлик
азоби ҳам қолғанмиди?!

Онанинг құзлари ҳамон најот истаб жавдиарди.
Наҳотки, бир әмас, беш нафар оғасидан биронтаси ах-
тариб келмаса?! Наҳотки, сингилларини үз ҳолига таш-
лаб құйышса?! Қайнилари-чи? Үлар акасидан қолған бу
икки норасида ҳолидан хабар олишмасмикин?

Тұсатдан уннинг юраги гупиллаб уриб кетди, құзла-
рига ишонмай оломонга тикиларкан:

— Вой, Абдуҳамид, Асолат, ҳов анави Аширмат то-
ғанғ әмасмилар?— деди базур.

— Тогамлар, Аширмат тогамлар!

Аёлнинг құзлари чараплаб кетди.

— Тоға, тоғажон!— деб қичқириб юборди Абду-
ҳамид.

— Ана, ана, биз томонга келяптилар! — деди Асолат ҳам севиниб.

Баланд бўйли, кенг яғринли барваста киши оломонни ёриб, улар томон келаверди. Кўзлари катта-катта, юзларидан нур ёғилиб турадиган бу одам Абдуҳамид энтикиб тинглайдиган эртаклардаги афсонавий қаҳрамонларни эслатар, шунинг учун у, айниқса, шу тоғасини яхши кўтар, узоқ кўрмаса соғиниб қоларди. Тоғасининг ҳам унга ихлоси баланд эди. Абдуҳамидларникига келгандами ёки бирон ерда кўргандами, ундан: «Жиян, мени қайси кўзинг билан соғиндинг? — деб сўпар, Абдуҳамид бўлса: «Манави кўзим билан, тоғажон!», деб ўнг кўзини кўрсатар эди.

— Акажон, биз бу ердамиз, — деди аёл қалтираб ва ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

Аширмат тоға нафаси бўғзига тиқилиб:

— Бормисан, жигарим! Ахтармаган ерим қолмадику, Комила! Хайрият, соғ-омон экансизлар, — деди. — Эй, боёқиш жиянларим! Бу кулфат сизларга қаердан қараб турган экан-а!

У Абдуҳамидинг пешонасидан ўпиб, опичлаб олди. Асолат теварак-атрофга, одамларнинг хатти-ҳаракатларига жавдираганча алангларди. Комила хиёл дадил тортиб, узини бир оз тутиб олди. Қиёмат-қойим, тўс-туполнон булиб турган бир пайтда излаб-бўзлаб келган акаси юрагига тоғдай мадор бўлди.

— Бошқалар қаерда? — деб сўради Комила товуши титраб.

— Хавотир олма, ҳамма қариндош-уруғ бир жойга тўплланган. Юнусвой ҳам, Қобил аканг ҳам сени ахтариб юришибди.

— Яхшиям баҳтимга сизлар бор экансизлар. Бўлмаса, ёлғиз аёл бошим билан қаёқقا ҳам борардим? Гўлаклар билан ҳолим не кечарди?

— Майли, синглим, бу барчанинг бошига тушган

савдо. Болаларинг билан оч бўлсак — очсан, тўқ бўлсак — тўқсан. Қаерда бўлсак бирга бўламиз.

Акасининг бу гапи Комиланинг бир томондан кўнглини кўтарган бўлса, бир томондан баттар ташвишга солиб, дарди-дунёсини хуфтон қилиб юборди. Бундан чиқди, ҳали бу кўргиликлар ҳам ҳолва экан-да! Қайнонаси Мулла Азим: «Ҳар нафас ғанимат, замон қалқиб турибди, ютганинг ўзингники, оғзингдагиси гумон, шу кунларгаям минг бор шукур», деб бекорга айтмас эканда! Золим оқ подшо наҳотки, шунча одамни қириб юбораверса?!

— Акажон, шунча одамни тўплаб нима қилишаркин? — деди Комила қўрқа-писа.

— Э, синглим, ҳар ким ҳар нарса дейди. Гап кўп жуда, Аммо ғазабга келиб, кузи қонга тўлган бу оқ пошшодан ҳар нарсани кутиш мумкин. Даشتি биёбонга ҳайдармиш, деган миш-мишлар ҳам бор...

— Даشتি биёбонга?

Зийраклик билан гапга жимгина қулоқ солиб турган Абдуҳамид тоғасининг бўйнидан қучиб:

— Эртакдаги даشتি биёбонгами, тоғажон? — деб сўради.

— Ким билади, жиян, шунаقا гаплар бор... Тақдир азал, пешонада битилганидан ортиғи бўлмайди.

— Даشتি биёбонга кетсак сувимиз йўқ-ку, — деди Абдуҳамид ҳайрон бўлиб.

— Нон ҳам олмаганмиз, — деди Асолат.

— Бу тўс-тўполонда бола бечораларнинг оғзига ҳеч вақо тутолмадим ҳам, — деди Комила гангиди.

Жияиларининг бийрон-бийрон гапларига Аширмат нима деярини билмай баттар эзилди.

Комила опа акасини хижолатдан қутқазмоқчи бўлиб:

— Ташвиш қилманглар, тоғаларинг нон ҳам, сув ҳам топиб беришади, — деди.



— Аянг тўғри айтади, Абдуҳамид, бош омон бўлса,
дўппи топилади,— деб қўйди Аширмат тоға.

— Дўппи?..

Абдуҳамид бошидаги тагдўзи дўпписини шоша-пи-
ша ушлаб кўриб, нимадир демоқчи бўлганди, майдон
этагида бирдан қий-чув бошланиб кетди. Бир тўда от-
лиқ солдат оломон устига бостириб, одамларни икки
томонга сурди-да, ўртадан аллакимларни ҳайдаб ўта
бошлади.

— Бечоралар,— деди Аширмат тоға эзилиб,— ило-
жинг қанча...

— Уларни қаёққа олиб кетишяпти, aka?— деди Ко-
мила чўчиб.

— Эй синглим, уёғини сўрама...

Тўсатдан қаттиқ чинқириқ овози янгради, кетидан
чақалоқнинг «ингга»лагани эшитилди.

— Вой, ая, чақалоқ!— деди Асолат.

— Ҳа, шўрлик, ҳозир дунё юзини кўрди.

— Вой!— деди Абдуҳамид.

— Атташг, кўз очиб ёруғ дунё азобига шерик бўл-
ди-я. Биз билан бирга қон-зардоб ютади бечора гўдак
энди,— деб уҳ тортди Аширмат тоға.

Комила ҳам акасига қўшилиб хўрсинди:

— Оҳ, шўрлик бола! Шўрпешона бўлмасанг, шу
қиёмат-қойимда дунёга келасанми? Энди баҳти қаро
онангнинг оёғига киshan бўласан, холос.

— Нимасини айтасан, синглим... Қани, фурсат кет-
масин, юрдик,— деб қолди Аширмат тоға шошилиб.

— Қаёққа?

Акаси индамади. У белбогига тугиб олган бир жуфт
патирни тўсатдан эслаб, жиянларига тутқазди. Кейин
Абдуҳамидни елкасига ўтқизиб, оломон ичидан сингли-
си билан Асолатга йўл очиб бораркан, дам-балам орқа-
сига қараб бош ирғаб қўяр, аммо нима демоқчилигига
на Комила ва на қизча тушунар, Абдуҳамид яса тева-
рак-атрофдан кўз узмас, одамларнинг оҳу зори унинг

жажжи қалбини ларзага солар, бамисоли алоқ-чалоқ туш күраётгандек туюлар эди.

Аширмат тоға ҳамон олға интиларди... «Қаерда бул-сак, нима бұлсак — бирга бұламиз!»

* * *

Абдуұхамид бунчалик күп одамни ҳеч қачон күрманған. Эркаклар бир қатор, аёллар бир қатор бўлиб тиз чўккан, болалар алоҳида ажратилган. Дод-вой, қий-чув... Йкки бурчакда тизилган тўплар даҳшат солиб турарди. Тўпланған тумонат мадраса атрофига сиғмай кетди. Солдатлар тобора кўпайиб борарди. Уларга яна бир талай отлиқлар келиб қўшилди. Тўрт-беш файтунда ба-шанг кийинған амалдорлар ўтди. Бироқ Комила энди унчалик чўчимас эди: чунки, фарзандлари билан бирга қариндошлари — Аширмат, Носирвой, Одилвой, Қобулвой ва Юнусвой акалари паноҳида эди.

Бир оздан кейин эски машинада бир неча офицерлар келиб, ўргага қурилған минбарга чиқишиди. У ердан тилмочнинг дона-дона қилиб айтган сўзлари барадла эшитилди:

— Жамоа! Сиз император олий ҳазратларига қарши тиғ кўтариб қаттиқ гуноҳга ботдингиз. Бу гуноҳингиз эвазига ҳарбий кенгаш барчангизни ўлим жазосига ҳукм қилған эди. Лекин саховатли, улуғ подшоҳимиз ҳазрати олийлари ўз фуқаросига раҳм қилиб, маэкур ҳукмни сургунга алмаштирилар...

— Хайрият!

Кутилмаганда «Жиззахлик маҳалла аҳли сўл томонга ўтсин!», деган бўйруқ эшитилди. Каттаю кичик баравар айтилган томонга сурилиб, подакуча бўйлаб йўлга ту sheddi. Аммо сал ўтмай одамларни яна баттар ваҳима босди. Йўлнинг чап тарафида жойлашган Муқим баққолнинг чойхонаси аланга олиб ёнар, шундай обод ва серфайз жойнинг кули күкка совурилмоқда эди.

Чойхона олдида одамлар бир зум тұхтаб қолдилар. Аммо қылдан қийиқ ахтарувчи оқ подшо солдатлари уларни ўз ҳолига құймади: урди, туртди, ҳақорат қилди.

Кимдир чинқириб юборди. Оломон ичидә қалтираб турған Асолат билан Абдуҳамид чүчиб, аясига баттар тармашиб олди.

— Ҳой, ит әмған муғамбір, қочаман деб овора булма. Менинг сиртмоғимга тушган ҳеч кимса қочиб қутуломайди! — дея ваҳшиёна овозда бақиради аллаким.

— Нимага онамни ҳақорат қиласан? Қанча сұксанд, ҳақорат қылсанг, ўзимни сұқ, ўзимни ҳақорат қыл. Қабристонда ётган волидамни тинч қўй!

Пешонасини қизил дурра билан танғиб олган бадбашара бир одам от ўйнатғанча Музаффар күнчининг бўйнига сиртмоқ солиб судрар эди.

— Қўйвор дейман! — дея хирилларди Музаффар күнчи. — Бўлмас...

Отлиқ қаҳ-қаҳ уриб кулди:

— Қўйвормаганимда қўлингдан нима келарди?!

— Нима келишини кўрсатиб қўярдим-а, лекин...

— Хўш?

— Сиртмоғингдаман-да!

— Ўнг қулоғиниг билан ҳам, сўл қулоғинг билан ҳам эшишиб қўйгинки, ё исёнчи аканг қаердалигини айтиб бериб, тирик қоласан, ёки бирваракай ана шу қаро ерга қозиқ қилиб қоқиб юбораман!

— Номард, кўп қасамга тирайверма, уй-жойим, рўзгорим бошқа бўлса акам қаердалигини қаёқдан билай!

— Шунча солдатнинг бошини еган акангнинг қаердалигини нега билмайсан, ит әмған!

— Ёлғон! Ит әмған деб сени айтади, — деди Музаффар күнчи қалтираб. — Чумолига озор бермаган акам қандай қилиб одам ўлдирисин! Ҳой ҳалойиқ, қаршишонлар, холисанилло гапирсанглар-чи, бу қонхўрга!

Лекин ҳеч кимдан садо чиқмас, бир неча кундан бери очлик, хўрлик, калтак, жазирама азобидан тинка-

си қуриган халойиқ ғазабини ичига базур ютиб турар эди. Бу жанжал, айниңса, Боймат бобога ёмон таъсир этди. У икки нафар ўғлини икки ёнига олиб дар-дағ титрар, негаки Музаффар ҳам, Аширмат күнчи ҳам туғишигандык жияни, тоғасининг ўғли эди.

Кичик ўғли отасининг ёш ювиб турған күзларига тикилди:

- Отажон, құрқяпсизми?
- Асло,— дея уұх тортди Боймат бобо.
- Нега бўлмаса йиғлаяпсиз?

Ота Норматжоннинг елкасидан қучди:

- Ўлимдан эзарача қўрқмайман, ўғлим. Зурёдим қуриб кетадими, деб йиғлаяпман...
- Зурёдим..

Ўғилнинг ҳам бўғзига нимадир тиқилиб қолди.

— Хуш, ана, ишондик ҳам дейлнк,— деди отлиқ овозини пасайтириб.— Аканг Аширмат күнчини билмасанг, амакиваччанг Охун күнчини топиб берарсан?! Еки ундан ҳам хабарсизмисан? Нега индамайсан? Ўзингни гўлликка соловерма, муғамбир! Билиб қўй: иккови Раимқул оқсоқол чакалакэорида қилич ялангочлаб турганини кўрганлар бор! Ўшалар билан юзлаштирайми, а?

— Кўрганлар бўлса бордир. Лекин мен курмаганман. Кўрган-билган бўлсам, айтардим-қўярдим. Ноҳақ азобдан қутилардим. Ёлғон гапириш гуноҳ!

Отлиқнинг жазаваси тутди. Аламига чидамай тарсиллатиб осмонга ўқ узди. Буралаб сўкди. Яна қийчув, дод-фарёд кўтарилиди.

Халойиқ яна йўлга туинди. Подакучада тупроқ нақ тиззадан келар, офтоб тобора қиздирав, чанг-тўзои осмону фалакка кўтарилилар, одамлар бир-бирларини зўрға кўтар, олдинда ҳам, орқада ҳам милтиқ ўқталган отлиқлар куз узмай борарди. Комила ҳам икки боласи билан оломон ичидаги суриниб борарди. У Абдуҳамидни ҳар қанча йўқ дейишигага қарамай кутариб

олишга ҳаракат қилар, гоҳ тинкаси қуриб етаклар, тобора мадордан кетаётганига қарамай жонининг борича орқада қолмасликка тиришарди. Ҳамма ҳолдан тойган: чол-кампирлар сувсизлик ва йўл азобидан тиллари танглайига ёпишиб гурс этиб йиқилар, гудаклар ноласи кўкка ўрларди.

Рўпарадан эсаётган шамол йўлини ўзгартириб, чанг-тўзонни ўнг томонга сурди. Йўлнинг сўл томони очилди. Энди чанқаб, қовжираб ётган ғузалар, қовунтарвуз полизлари кўзга гира-шира ташланди. Кўкатни кўрган оломон бир энтикли. Бу ерлар Бури ота чули эди. Лекин ҳеч ким ўрнидан бир қадам жилмай, миқ этмай турарди. Ҳар қалай, соқчилар инсофга келишдими, ёки ўzlари ҳам иссиқда ҳолдан тойганмиди, шу ерга келганда қувфинларни бир нафас ўз ҳолига қўйди. Халойиқ жон талвасасида ўзини полизга урди. Бу Боймат бобога қарашли ерлар эди. Мадори қуриган одамлар бўрикалла, оқ таррак ва дониёр қовунларни, қора тарвузларни ёриб еб, ташналиқ азобини қондира бошладилар. Боймат бобо ҳам аёли ва икки ўғли билан қувфиндилар орасида эди.

— Ўзи кечирсин, оғзимди очиб қўйдим,— деди ким-дир хаста овоз билан.

— Ана, холос. Бундай пайтда рўза тутиб гуноҳи азимга ботасиз-ку. Э, чироқларим-а, олинглар, енглар. Қилган меҳнатимга розиман, еяверинглар!— дерди Боймат бобо кўзлари жавдираб.

Чолнинг катта ўғли Эрмамат бир қоп қовун орқалаб келиб ерга тўкди. Бобо титроқ қўллари билан одамларга қовун улашаркан, бир четда тийрак кўзлари ёниб, гоҳ Боймат бобога, гоҳ яясига жавдираб турган болакайга кўзи тушди.

— Қапи, қарофим, нега сен жим турибсан? Бери кел-чи,— деди бобо хушмуомалалик билап ва иймана иймана ёнига яқинлашган боланинг қўлига битта қовун тутқазди:— Бу сенга.

Бола уялиб ерга қаради;

— Хозир едим....

— Ол, чирофим, йўлда чанқаганда ерсизлар. Ҳали кўп юрадиганга ухшаймиз...

Боймат бобо болани суйиб елкасига қоқаркан, ёнидаги одамга:

— Кўп ақлли, ширин бола экан азамат,— деб қўйди.

Бола ийманиб, қўлидаги қовунни қаёққа қўйишини билмай жимгина турарди.

— Кимнинг ўғлисан, чирофим?— деб сўради чол.

Бола ўйланиб туриб:

— Олимжон аканинг,— деди-да, кетидан: Мулла Азимнинг неварасиман,— деб секин қўшиб қўйди.

Бобо жонланиб:

— Э, үзимизни Мулла Азимни неварасимисан?.. Ҳалиги отинг нимайди?— деди-ю, ўз саволидан ўзи хижолат бўлди... Чунки бола ўксигандек бўйини эгиб ер чизиб турарди.

Комила чачвонини хиёл кўтариб:

— Оти Абдуҳамид, бобоси,— деб жавоб қилди.

— Ундан бўлса, қариндош эканмиз. Олимжон раҳматли кўп дилбар, беозор йигит эди. Ҳа, бу дунё ҳеч кимга вафо қилган эмас. Ўзинг ўхшагин-у, умринг ўхшамасин, чирофим.

— Айтганингиз келсин, бобоси.

Боймат бобо болаларни жон-дилидан яхши кўрас, етим-есирларга ичи ачишар, уларни боши эгилган ҳолда кўрса сира чидаб туролмас эди. Чунки ўзи ҳам етимликда ўсиб, бойлар эшигига катта бўлган эди. Ота ёши бир жойга етганда молу дунё орттириб зўрға уйланган, унинг тилаб-тилаб топгани — икки ўғилу бир қизи бор эди, холос. У Мулла Азим билан болаликдан дўст тутинган, бу дўстлик ришталари то ҳануз мустаҳкам эди. Олимжон вафот этганда, у бир неча

куни дўсти ёнида мотам тутиб, дардига шерик бўлганди.

Бобо ҳар куни Жаариқни бир неча бор ёқалаб ўтар, ҳар сафар Мулла Азимнинг кунглини сураб, унга таскин берарди. Айни ёз чилласида сув бир оз кўпайиб, ариқ тўлиб оқарди. Туятортар суви етиб келгунча одамлар бир-бировлари билан талашиб, ёқа буғишиб, ҳатто хунрезликкача бориб етар эдилар. Худди шу паллада етти отаси оқсоқол — мироб ўтган Боймат бобонинг иш ва ташвиши кўпаярди. Сув тақсим қилишдан кура кўпроқ, одамларни бир-бирови билан келишириш, жанжал-можарога йўл қўймаслик зарур эди. Шундай пайтларда дўсти Мулла Азимнинг доно маслаҳатлари ва унинг адолат талаб қилиб ёзиб берган арзномалари жуда-жуда•қўл келарди...

Боймат бобо Абдуҳамиднинг кўнглини олмоқчи бўлди:

— Чирофум, сени танимабман, қарилик қурсин...

— Мен сизни танийман...

...Яна йўл азоби бошланди. Ҳаммаёқ тап-тақир. Ўт-уланлар аллақачон қовжираб битган... Нуқул янтоқзор, қушқұнмас, оққувроқ ва исириқ... Йўлнинг поёни кўринмас, манзил қайда — ҳеч ким билмас эди.

— Ая, чарчадим,— деди Абдуҳамид.

— Опичиб олайми?— деди Комила опа ачиниб.

— Йўқ, ўзингиз чарчагансиз. Жиндак дам олайлик...

— О, айлапай, кошки измимиз ўзимизда бўлса. Одамлардан кейинда қолсак, анави отлиқ қамчи билан уради-да,— деди Комила зил кетиб.

— Нимага уради?— деди Абдуҳамид кузлари жавдираб.

— Қани уриб қурсин-чи,— деди орқадан кимдир.

— Қаёққа боряпмиз ўзи, а?— деди Асолат.

— Ҳеч ким аниқ билмайди буни, болам..

Улар жим қолишли. Абдуҳамид онаизори ёнида



базўр сургалиб борарди. Унинг мургак қалбидагизир не ўй-хаёллар, не сиру савдолар кечаетган экан? Даласи бўлганда, эҳтимол, аяжони буичалик қийналмасмиди?! Устига устак, бобоси ҳам йўқ. Аллакимларнинг кузига кўринмаслик учун яшириниб юрганмешлар. Нега яшириниб юради — у ҳеч тушумайди.

Абдуҳамид бир нарсадан қаттиқ қўрққандек, сесканиб, аясининг этагидан ушлаб олди. Кейин яна хаёл оғушига ғарқ бўлди... Даشت биёбони қаерда экан, нега шунча юришса ҳам етмайдилар? Эртакдаги қаҳрамонларга чўлу биёбон писанд эмас, улар кўз очиб юмгунча манзилга етадилар-қўядилар. Нега бундай? Э, ахир уларнинг учар гиламлари, дулдуллари борда! Девларни жангда енгиб ўзларига бўйсундирадилар-да, кейин хоҳлаган манзилга миниб кетаверадилар. Яна улар ҳеч қачон нон-сув деб ташвиш чекмайдилар. Очилдастурхон истаган таомини муҳайё қиласди. Бобоси унга яна жуда кўп ғаройиб нарсаларни айтиб берган...

Эҳ, ҳозир унинг ҳам учар гилами ёки қанотли дулдули бўлганда эди... Аввал аяси билан опасини, кейин эса бошқаларни ўтқизиб бирпасда манзилга етказиб қўярди. Эҳ, қани энди...

Абдуҳамидинг хаёли бўлинди. Қўққисдан олаговур бошланиб, «сув-сув!», деган овозлар эшитилди...

Ростдан ҳам рўпарадаги Қили сойидан, бўлиқ қамишзор орасидан қорамтири сув жимирилаб оқиб ётарди. Сувни куриб ҳалқуми қақраган одамларнинг кўзлари ўйнаб кетди. Улар дарҳол ўзларини сойга урдилар. Абдуҳамид билан Асолат ҳам одамлар кетидан сувга талпиндилар. Лекин Комила опа тезда йўлни тушиб тұхтатиб қолди.

— Ҳой, бу сувни ичиб бўлмайди. Шур...

— Ҳой, қариндошлар, асло ича курманглар, зулуги бор! — деб бақирди кимдир.

— Зулук?

— Зулук қанақа бўлади, ая?

Шошиб қолған Комила опа Абдуҳамиднинг бу са-
волига хиёл ўйланиб жавоб қилди:

— Нима десам әкан... зулук ўзи жуда кичкина...
Лекин одамми ёки молларинни томогига кетиб қолса,
ёнишиб күп азоб беради.

— Ешиша нима қиласи? — деди Абдуҳамид кўзла-
рини катта-катта очиб.

— Қонини сўради. Энг қўрқинчлиси, қонга хечман
тўймайди.

— Кичкина бўлсаям-а? — деди Асолат.

— Ҳа, ойдиним. Буёқдан сўриб, буёқдан қусиб таш-
лайверади.

— Яхшиям сувидан ичмаганимиз,— деб қўйди Асо-
лат сесканиб.

Абдуҳамид чуқур хаёлга ботди. У қаддини гоз ту-
тиб ўткир кўзларини узоқ-узоқларга тикиб, гўё босиб
келгай йўлларини ўзича чамалаб кўргандек бўла^{рди}.

— Халойик, кўпи кетиб, ози қолди. Бирпас сабр
қилсан, манзилга етиб оламиз. Қани, кетдик, — деган
овоз эштилди.


Лий шу пайт ҳарсиллаганча қўлида бир палла
тарвуз билан Аширмат тоға пайдо бўлди. Асолат би-#
лан Абдуҳамид:

— Тоға, тоғажон! — дея унга талпиндилар.

* * *

Бугун бир ҳафтаки, қувғиндиilar Қоратепа даشتни-
да истиқомат қилишяпти. Ҳаммаёқ тиканак, янтоқ,
онда-сонда тактаклар кўзга чалинади, улар ҳам жиз-
ганак бўлган... Баркашдек лахча чўғ офтоб тоббра
узоқлашиб, баланд тоғлар ортига ошиқмоқда.

Осмонда янги ой кўринди... «Вой, оймомо кўриниб-
ди, уч кунлик булибди. Э, парвардигор, туришини қа-
ранглар, узига тинч, бизга нотинч!» «Бундай ~~ғ~~ла-
говур, қиёмат-қойим булиб турганда қандай қидаб
бизга тинч...» қариялар ўзларича нима-
[REDACTED] қариялар...



Абдуҳамид дастлаб бу ерга кўниколмай юрди. У зерикиб нима қилишини билмас, уйларини, маза қилиб ўйнайдиган Қудрат ва Абдураим каби жўралари ни, Азим бобосини қўмсар эди. Шунда «Аяжон, чўпчак айтиб беринг», деб онасининг бағрига суқуларди. Комила опа ўғлининг бошини силаганча, билган эртак ва латифаларини айтиб берар, гоҳида ўзи тўқир эди. Абдуҳамидинг бу ердаги ягона дўсти — опаси Асолат эди.

Бу ерга дастлаб келишган куни, одамлар бийдай тақир далада қандай яшаймиз, шу ерда қишгача қолиб кетсанга, деб ваҳимага тушган эдилар. Лекин бошга тушганини кўз кўрар экан. Одам боласи ҳар нарсага кўниқади. Очдан ўлмаслик учун дарров имкон излайди, чора топади. Абдуҳамид эрталаб уйқудан туриб кўзларига ишонмай қолди. Бутунлай бошқача манзара... Ким наридан-бери чайла тикиб олган, ким икки жуфт ёғочни ерга кўмиб, устига шолча ёпган, ким шоҳ-шабба билан офтоб юзини тусган... Хуллас, ҳамма бошпаналик бўлган. Абдуҳамидларга ҳам чайла қурилибди... Аёллар, қизлар ўғирда гўжа туйишияпти: кампирлар янтоқ ёқиб қозонда қуфирмоч, бодроқ қовуряпти, ёрғачоқ айлантириляпти... Қаердандир от ва эшаклар, аравалар пайдо бўлибди...

Маълум бўлишича, қувғиндилар кечаси билан қўл қовуштириб ўтирумаган эканлар. Бир неча чапдаст йигитлар эл ётганда шаҳарга бориб, энг зарур нарсаларни олиб келган эканлар. Абдуҳамидинг тоғалари, амакилари ҳам улар билан бирга боришган экан. Қувғиндилар маконидаги бу жонланиш сабабини Абдуҳамид энди тушунди.

...Комила опа Халил оталар чайласига кириб бир оз кўнгли ёришди. Хонадоннинг иккинчи келини Қўйсиной уни қучоқ очиб кутиб олди. Улар узоқ вақт кўришмагандек сўраша кетдилар:

— Ассалому алайкум, аммажон. Омон-эсонмисизлар? Укаларим қалай? — деб суради кўзи тўла ҳадик Кўйсиной.

— Шукур, худонинг паноҳида. Эл-юрт нима бўлса, биз ҳам шу, жон синглим. Қандоқ қилайлик, кўргилик экан. Узингнинг тани-жонииг соғми, зерикмасдангина ўтирибсанми?

— Шукур, аммажон... Бандаси сабрдан топаркан...

— Ишқилиб, Камолиддинга эҳтиёт бул. Айни шўхликка тушган пайти. Томогига хас-чўп кетиб-нетиб қолмасин.

— Ҳая-я... тўғри айтасиз, аммажон. Кўргина бўлмагур шундай шўхки, сал кўзингиз шамғалат бўлса, дарров оғзига бир нимани солади...

Кўйсиной негадир хўрсиниб кўзига ёш олди. Лекин аммасига сездирмасликка уриниб, қора дуррачасининг учи билан кўз ёшини артди. Кейин рўмолини ечиб қайтадан ўради. Бари бир кайфнитини ёниб турган катта-катта кўзлари ошкор қилиб туради.

— Ҳа, ургилай, нимага хафасан? Тинчлики? — деди Комила хавотирланиб.

— Тинчлик, аммажон... ўзим, шундай,— деди-ю, хўрлиги келиб, аммасининг елкасига бошини қўйиб, ниқиллаб йиғлаб юборди: — Нимага укаларимни эргаштириб келмадингиз?

— Ҳар куни шунда-ку,— деди Комила хижолат бўлиб.— Абдуҳамидинг тушмагур ҳеч кўниколмаяпти.

— Литишга осон, кўникадиган ермас-да, аммажон...

— Нуқул жўраларини сўроқлади. Тушида гапирадиган одат чиқарибди.

— Ҳаммаси зерикишдан. Қеча Абдуҳамид Камолжонни анчагина ўйнатиб ўтирди.

— Нима бўлсаямки, ҳали унинг бола. Опичаман деб йиқилиб-нетиб юрмасин.

— Пўгे, ўзим кўз-қулоқ бўлиб тураман. Абдуҳамид келса, Камолжоннинг ўзиям тармашади-олади.

Чайладан набирасини ўйнатиб ўтирган Халил ота-
нинг овози эшитилди:

Ўсмаям доримиди, савзипуруш,
Хиноям доримиди, савзипуруш,
Ўсмаям дори бўлса, савзипуруш,
Хиноям дори бўлса, савзипуруш,
Ҳой бўта-бўта, пўшт-пўшт,
Бўта-бўта, пушт.

Элакка борган аёлнинг эллик оғиз гапи бор, деган-
ларидек, амма жиян ҳасратлашинб чайла олдида анча
туриб қолдилар. Халил ота: «Ҳо, ойим, ойим, ҳо!», деб
келинини чақирмаганда уларнинг гапи ҳаливери адо
булмас эди.

— Ассалому алайкум, қуда бува! — дея Комила
чайлага кирди.

— Комиламисан? Кел, қизим, кел ўтири, одам-
одамга ғанимат бўлиб қолди.

— Ҳа, эрмак топиб олибсиз-у, зерикмайсиз энди.

— Эрмак булганда қандоқ! Оллога минг шукур.
Тирноқинасидан айлансан отаси бунинг!

Камолиддин энди тетапоя бўлиб йўлга кираётган
эди. Комила уни бобосидан олиб, юз-қўзларидан суйиб
үпди. Бола типирчилаб, ўзини яна Халил ота бағрига
отди.

— Ҳа, Комилаой, бундан буён бизники невара бо-
қиб, фарзандларнинг дуои жонини қилиб ўтириш-да!
Мишқилиб, ана шу гўдаклар оҳу-зорини эшитиб, «ол,
қулим!» десину осойишталик бўлиб кетсин!

— Айтганингиз келсин...

Халил ота Комилага яқин қариндош. Уларнинг бу-
тун авлод-аждоди деҳқон утган. Халил ота ҳам катта
деҳқон. Ерга ишлов беришда унга тенг келадиганлар
камдан-кам. Айрим кишилар: «Битса — деҳқонмиз,
битмаса — бағриқонмиз», деб ҳасрат-надоматидан
чанг чиққанда, Халил ота: «Шундай бўлса бордир»,
деб индамай қўя қолар, гоҳо кулиб енгарди. Негаки,

у ҳар йили еридан мүлжалдаги ҳосилини олар, бунга айрым әкнин битмаганлар ғайирлик қилардилар. Бундай кезларда Халил ота салмоқланиб шундай дерди:

«Эй, биродарлар, «Жондан кечмасанг женона қайда, тоққа чиқмасанг дұлона қайды?», деган нақл бор. Ахир ер ҳам едирсанг — едиради. Қарзга олган уруғликин тупроққа сочиш билан иш битмайди. Шунисиям борки, ҳар бир ерни, ҳар бир жойни үз тили, үз мижози бұлади. Дәхқон үз ерининг тили, мижозини беш құлдек билиши керак. Мұл ҳосил оламан десандыз ерніңизга ишлов беринг. Йүқса сизга, мендан истаганча ҳосил олавер, деб қараб турған ер қайды!»

Халил отанинг рұзгори катта, етти фарзандининг бари еярмон-ичармоп, ёлғыз үзининг топгани билан оила тебратади. Гоҳида аёли камчиликдан нолиб қолгудек бұлса: «Эй онаси, күп зорланаверма, ҳали сен билан биз күрганни ҳеч ким күрмайди. Болалар вояга етсе, етти үғилға етти келин келиб, «аяжон, буёққа үтинг», деб ҳар қайсиси етти қават күрпача түшаб, қадамнинг пойандоз солиб туради. Ана, мени айтди дерсан», деб уни юпатарди. Ұшанда аёли ҳам алланевчук бұлиб: «Кошки!», деб құярди.

Яхши ният — ярим давлат. Ҳадемай Мамасоат, Мамарашид, Мамазуҳур, Муллахолмат, Хидирназар, Мамарасул ва Құшоқвойлар бириң-кетин вояга етиб, отанинг құлидан ишини олиб, оғирини енгил қиласынан бұлдылар. Фарзандларининг эсли-хушли, топармоп тутармоп бұлиб етишганидан чолу кампир ич-ичидан қувонар, болаларини тинмай дуо қиласынан бұлдылар.

Мана, улар құш келин тушириб, қуда-андалик бұлдылар, олдымма-кейин набиралар күрдилар. Комилаппанаң әкеси Носирвойнинг бош фарзанди Құйсиной Мамарашидге никоқ қилиниб, қариндошлар бир-бирлары билан янада қалинлашиб кетдилар.

— Қаш, ол, қизим, қаватидан еб үтиргин,— деди

Халил ота Комилага.— Кеча Абдуҳамид иккимиз роса сұхбатлашдық. Жуда аломат бола бўлти азамат.

— Ҳа,— деб қўйди Комила опа ўнғайсизланиб.

— Эртак айтиб беринг, қуда бува, деб туриб олса бўладими? Мен эртак билмайман, дейман. Қани ишонса! Мундоқ қарасам, лаблари пириллаб, кўзига ғилт-ғилт ёш оляпти. Бўлти, отажон, айтганим бўлсин, дедим-у, эсимга келган бир эртакни бошлаб юбордим...

...Бор экану йўқ экан, оч экану тўқ экан. Қадим замонда бир аёл ўтган экан. Унинг бир угай ўғилчаси бор экан. Аста-секин бола катта бўла бошлабди. Кунларнинг бирида онасига бир дона тухум олиб келиб берибди. Тухумни кўриб онаси ўзида йўқ севинибди. «Ақлли боламдан айланай», деб пешонасидан ўпибди-ю: «Энди товуғиниям олиб келгин, болам», деб буюрибди.

Бола: «Хўп, онажон», дебдию югуриб бориб қўшинисининг ола товуғини тутиб келибди.

Шунда онаси: «Балли ўғлим, ўзимни ақлбошимдан айланай», деб уни эркалатибди.

Бола яна севиниб чиқиб кетибди-да, хиёл ўтмай аллакимнинг қутисини кўтариб келибди.

Она шошиб қутичани очса, ичи тўла тилло асбоблар эмиш. «Онажон, сизга ёқдими олиб келган нарсаларим?», деб сурабди у.

«Ёқди-ку-я, лекин ҳали бу кам-да, болам», дебди гердайиб она. «Камлик қилса яна олиб келаман», деб чопганча чиқиб кетибди бола. Шундай қилиб, у катта ўғри бўлиб етишибди.

Кунларнинг бирида ўша ўғри бола подшо хазинасини урибди. Лекин уни тутиб олиб, дорга осадиган бўлишибди. Дор тагида унга: «Ўлиминг олдидан кўнглингда нимаики истагинг бўлса, айтиб қол», дейишшибди.

Шунда ўғри бола тахтда ўтирган подшога қараб:

«Ҳазратим, бир қошиқ қонимдан кечинг, сұнгги сұзимни айтиб қолай», дебди.

«Айт, кечдім», дебди подшо ўқрайиб.

«Бисотимда ёлғиз онам бор. Ижозат этсанғиз, бир днійдор күришиб қолсам», деб ёлворибди.

«Онаси келтирилсін», деб фармон берибди подшо.

Хиёл ўтмай ўгай онаси күз ёш қилиб келиб қолибди.

«Құйинг, куюнманг, онажон. Ұлар өфімдә сизни бир күриб қолай, деб ният қылған әдім. Ижозат этинг, ширип-шакар тилингиздан бир үпай», дебди ўғли.

Она тилини чиқариши билан ўғли шартта тишлаб узіб ташлабди.

Қараб турған одамлар: «Нима қилиб қўйдинг, она сути кўр қилгур!» деб ўғрига бақиришибди. Подшоиншіл ҳам жаҳли чиқибди.

«Жаллод! Сиртмоқни торт!», деб буюрибди у.

Шунда ўғри:

«Ҳазратим, яна бир қошиқ қонимдан кечинг, тағин бир айтадиган гапим бор», дебди.

«Кечдім, гапир!», дебди подшо дағдаға қилиб.

Үгри халойиққа қаратса дебди:

«Одамлар! Қариндошлар! Мени дорға остираётгани ана шу ўгай онам! Нина олиб келсам, тұя олиб кел, дедилар. Охири, мана, подшо хазинасига тушиб, ўлимга ҳукм қилиндім! Энди, жаллод, ихтиёр сенда!».

Одамлар қий-чув қилиб юборишибди.

«Жаллод! Үглини озод этиб, ўрнига онасини дорға тор!», деб бақирибди подшо.

Эртакни тугатиб, «қалай, ўғлим?», десам, күзига еш олиб: «Ўгай она ёмон бұларкан-да-а, қуда бува»,— дейли.

Жуда таъсирли эртак экан,— деди Комила опа ҳам ҳомуш тортиб.

Шунақа онанинг оти үчсин. Подшо ажаб қипти дорға остириб,— деб қўйди Қўйсиной ҳаяжонланиб.

Комила ўғлидан ҳам ғуурланиб, ҳам хижолат чекиб жимгина ерга тикилиб ўтиради.

Халил ота нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, Камолиддиннинг дадаси Мамарашид келиб қолиб, сұхбат мавзуи ўзгарди...

Сұхбат чоғи Комила у кунги саман от воқеасини билиб олди.

Бир эшак тоғига Розиқвой деҳқон билан Пирмат девкор шерик булиб буғдой экишган экан. Фалла жуда яхши битибди. Буғдой пишиб етилга, ёнларига ўғилларини олиб бир неча кун давомида үроқ тортишибди. Фалла ғарамланиб, навбат янчишга келганда рўза бошланиб қолибди. Оталарининг рўза тутиб қийналаётганини кўрган Полвонбой билан Норматжон, хирмонни янчишни иккаламизга қўйиб беринглар, деб улардан рухсат сўрашибди. Аввалига оталари ўсмирларни ёлғиз ташлаб кетгиси келмабди, кейин от-улов, ҳўқизларни қолдириб, ўзлари уйга қайтишибди.

Полвонбой билан Норматжон буғдойни янчиб, соvuриб, донни бир жойга уюшибди. Озиқ-овқатлари тугабди, оталаридан эса ҳамон хабар йўқ. Икки-уч кун қўғирмоч қовуриб тириклик қилишибди. Охири, хавотирлана бошлабдилар. Бунинг устига, ёнларида қўй боқаётган чупон «Жиззахни ёв босганмиш, ҳаммаёқ тўс-тўполон, қирғин бўлаётганмиш», деган кўнгилсиз хабарни айтибди.

— Шунинг учун оталаримиз биздан хабар олмаётган экан-да! Нима қилдик энди? — деб Полвонбой Норматжонга маслаҳат солибди.

— Тезда уйга боришим керак,— дебди Норматжон.

— Шунча фаллани ташлаб-а?

— Бормасак ота-оналаримиз хавотир олиб ўтиришади-да,— дебди Норматжон.

— Гапинг тўғри, лекин биттамиз борамиз, биттамиз бу ерда қоламиз. От, ҳўқизларни ташлаб кетиб бўлмайди.

— Булмаса мен борай,— дебди Норматжон.

— Сендан икки-уч ёш каттароқман, хафа бұлмасаң мен борай...

Норматжон ноилож рози бүлибди. Полвонбой сағарлаб саман отни миниб йұлга чиқибди. Тоғдан ошиб энди Куёвбоши қишлоғига келганида олдиdan икки солдат чиқибди.

— Хой, йигит, тұхта, йұқса отиб ташлайман,— дебди уларнинг новчаси.

Полвонбой аввалига унинг нима деганига тушунмай:

— Уйимизга кетяпман, тоғдан келяпман,— деб жаңоб берибди.

— Номард, нега бошлиқни chalғитяпсан?!— деб дүк урибди иккинчи солдат.

— Ақажон, рост айтдим, уйга кетяпман,— деб у яна гапини такрорлабди.

Шунда тилмоч Полвонбойнинг ёқасидан тортиб:

— Буёққа туш, от бизга керак!— деб дағдаға қилибди.

— Жон ака, йұлимни тұсманг, қари ота-онам йұлимга күз тикиб утиришибди.

Шунда тилмоч жазаваси тутиб милтиқ құндоғи билан унинг елкасига тушириб қолибди. Қалтак зарбидан сүяк-саяги қақшаб кетган ориятли йигит шартта отдан тушибди-ю, тилмочни бир уриб ҳушидан кетказибди. Ҳалиги новчасини эса калла қуйиб қип-қизил қоңға бұябди. Сұнг, қутулдим, деб үйлаб отига минибди-ю, қамчи босибди. Аммо йигитнинг кетидан ўққа тутишибди. Чап курагидан теккан ўқ уни қулатибди. Жонивор от дархол тұхтаб әгаси тепасида қалтираб турибди.

Хиёл үтмай бир талай солдатлар етиб келишибди. Бонлиқ қутуриб буйруқ берибди:

— Шундай қилингларки, менинг кимлигимни халойиқ яна бир карра билиб қўйсин! Бундан буён бирор киши зинҳор бизга қўл кўтара кўрмасин!

Солдатлар мурдани эгарга танғиб, отни роса са-
валабдиштарда, кейин сағрисидан отиб, құйиб юбориб-
дилар. От эгасининг жасадини судраб үйига олиб бо-
рибди...

* * *

Ляси Халил оталарникига кетгач, Асолат чайла ат-
рофини супуриб-сидиришга тушди. Абдуҳамид эса ро-
са зерикіб, үзини құярга жой тополмасди. Нима қи-
ларини билмай опасининг олдига борган эди, у:

— Абдуҳамид, чайлдан әлакни олиб чиқ,— деб
ишишга буюрди.

Асолатпинг ёнида уч-түрт нафар қизчалар тури-
шарди. Абдуҳамид әлакни олиб чиққанда, улар чир-
пирак бўлиб үйнашар, чувиллаб кулишарди... Абдуҳа-
мид қизлар үйинини томоша қилиб турганда тұсатдан
жўраси Абдурайим жилмайиб келиб қолса буладими!

— Абдурайиммисан?— деди у кўзларига ишон-
май.— Қачон келдинг? Ким билан келдинг?

— Кечаси келдим, дадам олиб келдилар.— Абду-
райим муҳим бир гап айтаётгандек секин шивирла-
ди:— Хеч ким билмасин...

— Нимани, жўражон?— дея ҳеч нарсага тушунмай
сўради Абдуҳамид.

— Нимани деб сўрайсан-у, қаёқдан келдинг, де-
майсан,— деди Абдурайим.

— Жиззахдан келгансан-да...

— Тополмадинг...

— Қаердан бўлмаса?

— Қўйтошдан!

— Қўйтошдан?!

— Ҳа! Қўйтош қаердалигини биласанми? Эшитган-
мисан?

— Эшитишга эшитганман...

— Биласанми, жўражон, у ер шундай ажойиб жой
экани, оғзинг очилиб қолади. Вой-во! Қўйлар, чўпон-
лар, ўғиру қозон-товоқлар — ҳаммаси турган жойида